

Самарқанд вилояти ҳокими ва вилоят касаба уюшмалари
ташкilotлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг
ҚЎШМА ҚАРОРИ

2017 йил 6 март
№ 93-Қ-сонли

2017 йил ___ март
№ ___ "С"-сонли

**Вилоятда болаларнинг 2017 йил ёзги соғломлаштириш
мавсумини намунали ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими ва вилоят касаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгашининг Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоятда болаларнинг 2017 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига оромгоҳларни тайёрлаш ва соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси таркиби, соғломлаштириш ва дам олдиришнинг умумий режаси, шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларнинг харажатлар сметаси, оромгоҳларга бириктирилган вилоят ташкilotлари раҳбарларининг рўйхатлари ҳамда вилоят штабининг таркиби **1-5-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят бўйича умумий режа этиб белгиланган **22700 нафар** боланинг;

- **11 200 нафари** шаҳардан ташқари доимий оромгоҳларда касаба уюшмалари, корхона ва ташкilotлар ҳамда ота-оналар маблағлари ҳисобидан;

- **11 500 нафари** халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда ҳокимликлар ҳамда ҳомий корхона-ташкilotлар маблағлари ҳисобидан дам олдирилиши таъминлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими (А.Умаров), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Р.Йўлдошев) бошқармалари **20 апрелга қадар** кундузги оромгоҳларда дам олдириладиган **11 500 нафар** болаларнинг тақсимотини вилоят комиссиясига киритсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси (Р.Йўлдошев) амалиёт ўтаётган юқори босқич ўқувчиларининг 250 нафари учун корхона, ташкilot ва муассасаларда "Меҳнат ва дам олдириш" оромгоҳларини ташкил этиб, соғломлаштирилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси (А.Умаров) ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши (А.Асланов)нинг:

- "Чорчинор" болалар оромгоҳида қўшимча 4-даврада иқтидорли болалар учун "Интеллектуал ривожлантириш" оромгоҳини ~~ташкilot қилиш~~ ҳисобига 100 нафар;

- Тарбияси оғир, ички ишлар идораларида рўйхатда турувчи болалар учун “Алпомиш” оромгоҳида “Тарбия ва спорт соғломлаштириш” оромгоҳи ташкил этиш ҳисобига 150 нафар болани соғломлаштириш таклифлари маъқуллансин.

5. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси (А.Умаров) ва туманлар (шаҳар) ҳокимлари “Меҳрибонлик” уйларининг 250 нафар тарбияланувчиларини оромгоҳларда дам олишларини таъминласинлар.

6. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими (А.Умаров), ўрта махсус, касб-хунар таълими (Р.Юлдошев), маданият (К.Мизомов) бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши (А.Асланов), вилоятдаги ОАВ раҳбарлари ҳамда туманлар (шаҳар) ҳокимларига:

- вилоятдаги халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари биноларида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, ҳудудларини ободонлаштириш, биноларини таъмирлаш, жиҳозлаш, мавсум давомида фаолиятини тўғри ташкил этиш;

- кундузги оромгоҳларга тарбиячи, спорт йўриқчиси ва етакчиларни танлов асосида жалб этиш;

- кундузги оромгоҳларда “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар ва етим болаларни дам олдиришни ташкил этиш мақсадида ҳомийлик ҳаракатини кенг кўламда тарғибот қилиш орқали маблағ жамғариш чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

7. Белгилансинки, кундузги оромгоҳлар учун ҳомийлардан йиғиладиган маблағлар вилоят халқ таълими бошқармасининг махсус ҳисоб рақамида жамғарилиб, кундузги оромгоҳларни молиялаштиришга йўналтирилади.

8. Самарқанд архитектура-қурилиш институти (С.Ахмедов)га институтнинг ўқитувчи ва талабаларидан иборат ландшафт дизайнерчилар гуруҳини ташкил этиб, 20 мартга қадар ҳар бир оромгоҳни ободонлаштириш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб вилоят ҳокимлигига тасдиққа киритиш юклатилсин.

9. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (Ш.Худайбердиев) туманлар (шаҳар) ҳокимлари, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар томонидан ажратиладиган ҳомийлик маблағларини оромгоҳларнинг ҳисоб рақамларига мавсум бошланишидан (давра) бир ҳафта олдин ўтказилишини ўз назоратига олсин.

10. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Ш.Сафаров)га, “Пахтасаноат” (А.Мухаммадиев)га, “Самарқандтранс” (И.Хамраев)га, “Каттақўрғон ёғ-мой” (Д.Кунаров)га, “Оқтошдон” (Т.Худойбердиев)га ва туман ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига халқ таълими тизимидаги барча оромгоҳларни таъмирлаш ишларини жорий йилнинг **25 апрель кунига қадар** якунига етказиш;

- ҳар бир оромгоҳда Ландшафт дизайн лойиҳалари асосида камида 5000 донадан гул кўчатлари экишни ташкил этиш юклатилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (Ў.Усмонов), вилоят халқ таълими (А.Умаров), маданият бошқармалари (К.Мизамов), туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари хотин-қизлар қўмитаси раислари назоратида оромгоҳларда маънавият хоналари ташкил этиш, уларни зарур турдаги адабиётлар билан таъминлаш ва ҳар бир маънавият тадбирини *(вилоятдаги таниқли шоир, ёзувчи ва профессор-ўқитувчиларни ҳамда спорт соҳасида юксак марраларни қўлга киритган спортчиларни)* жалб этган ҳолда таъсирчан, оддий, ҳаётий мисоллардан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

12. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси(Р.Юлдашев)га:

- **жорий йилнинг 1 апрелига қадар** доимий оромгоҳларга жойлардаги Педагогика ва тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежларини бириктириш билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш;

- мазкур коллежларда фаолият кўрсатаётган катта ҳаётий ва педагогик тажрибага эга бўлган мутахассисларни оромгоҳларга жалб қилиш юклатилсин.

13. Бириктирилган коллеж директорларига:

- оромгоҳнинг хўжалик-молиявий соҳасини юритиш;

- кадрларни танлаш, тайинлаш ва юқори самара билан ишлаш тизимини;

- хавфсизлик тизимини;

- ички тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиб, жорий қилиш тизимини;

- маънавий-маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш тартиблари бўйича ўз ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, вилоят комиссияси йиғилишида тақдимот ўтказиш топширилсин.

14. Самарқанд давлат чет тиллар институти (И.Тўхтасинов)га инглиз тили мутахассислигида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар орасидан оромгоҳларга жалб этиладиган ўқитувчиларнинг рўйхатларини вилоят мувофиқлаштириш гуруҳига тақдим этиш юклатилсин.

15. Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Жўраев)га;

- ҳар бир оромгоҳга болаларнинг сонидан келиб чиқиб, 20 апрелга қадар шифокор ва ҳамшираларни буйруқ асосида, хизмат вазифаларини алоҳида кўрсатган ҳолда бириктирсин ҳамда оромгоҳлардаги тиббиёт хоналарини зарур тиббий жиҳозлар *(1 та музлатгич, тарози, буй улчаш, 72 турдаги дори, қорақурт ва илонга қарши зардоб)* билан таъминлаш.

- оромгоҳга келадиган болалар ҳамда жалб этиладиган ишчи-ходимларининг ҳар бирини тўловсиз тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил қилиб ва вилоят комиссиясига маълумот тақдим қилиш топширилсин..

16. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ж.Қодиров), вилоят ДСЭНМ (О.Бойқобилов) ҳар бир оромгоҳга бир нафардан ходимларини буйруқ билан бириктириб, уларнинг вазифасини алоҳида белгилаб берсин.

17. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси (У.Ҳайдаров)га ҳар бир оромгоҳни мавсум бошланишидан бир ой олдин текшириб, хавфсизлик талабларига жавоб бериши бўйича вилоят комиссиясига хулоса киритиш,

мавсум давомида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб ижросини ўз назоратига олиш юклатилсин.

18. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ж.Қодиров), оромгоҳларнинг хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир оромгоҳни видео кузатув ускуналари билан таъминлаш чорасини кўрсин.

19. Вилоят ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси (Н.Эрназаров) жорий йилнинг 20 апрелига қадар барча оромгоҳларни алоқа тармоғининг мақбул бўлган воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда уларни мавсум давомида узлуксиз ишлатишига масъуллиги белгилаб қўйилсин..

20. “Самарқанд электр тармоқлари” (Ғ.Примов), “Марказгазтаъминот” унитар корхонаси(Ш.Маҳмудов)ларга;

- ҳар бир оромгоҳга алоҳида масъулларни буйруқ билан бириктириб, узлуксиз электр энергияси ҳамда суюлтирилган табиий газ билан таъминлаш чорасини кўрсин.

- суюлтирилган табиий газдан ва электр ускуналаридан хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратсин.

21. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ж.Қодиров), вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (М.Бобоёров), “Самарқандтранс” маркази (И.Хамраев) ҳар бир оромгоҳнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда оромгоҳларга болаларни олиб бориш ҳамда олиб келишини ички ишлар хизмати ходимларининг кузатуви асосида ташкил этсин.

22. Вилоят телерадиокомпанияси (Ғ.Тўраев), “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ғ.Тошев), “Овози Самарқанд” газеталарига оромгоҳларнинг ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлигини ҳамда мавсумнинг ўтказилишини жорий қилинаётган энг илғор педагог услубчиларни мунтазам таҳлилий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

23. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Худайбердиев ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси М.Бобоёров зиммаларига юклансин.

